O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 9 февраль, № 27 (4942) Сешанба

# ЯШАРАЁТГАН, ЯНГИЛАНАЁТГАН НАМАНГАН

***Наманган азал-азалдан ўзининг кўзга кўринган шоиру алломалари, қўли гул ҳунармандлари, лафзи ҳалол, ширинзабон, меҳмондўст, меҳнаткаш ва фидойи одамлари билан машҳур.***
***Буёғини сўрасангиз, бугунги ҳикоямиз ҳам Наманган ва наманганликлар, айни кунларда бу ерда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлару бунёдкорлик ишлари ҳақида.***

**Интилиш**

Яхши биласиз, ўтган йили авжи ёзда водий далаларини айланиб, қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашиб, дилдан суҳбат қурган Президентимиз Наманганга ҳам ташриф буюрган эдилар. Ана шу ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбари вилоят ва шаҳар мутасаддиларига, меъмору муҳандисларига Наманган шаҳрини ободонлаштириш, одамларга қулай шароит яратиб бериш юзасидан ўзларининг қимматли маслаҳатларини, йўл-йўриқларини бергандилар. Орадан кўп ўтмай, 2009 йил 6 августда давлатимиз раҳбарининг “2009 — 2012 йилларда Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).



***Мамлакатимизда аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоялаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар доимий эътиборда бўлиб келмоқда.***

# ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ — МУҲИМ ВАЗИФА

**2009 йилда Тошкент вилоятида 44 мингдан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди.**

**Фармон ва ижро**

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан мазкур ҳужжат ижроси юзасидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир.

Ўтган йили “Аҳолини иш билан таъминлаш” ҳудудий дастурига кўра, вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида 85 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Шунинг 44 мингдан зиёди хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам жойларда иш билан банд бўлмаган аҳолини уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга жалб этиш, касаначиларнинг ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш борасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йили вилоятда касаначилик асосида хотин-қизлар учун беш мингдан ортиқ иш ўринлари очилгани ҳам бунинг яққол далилидир.

— Касаначилик биз, аёллар, айниқса, уй бекалари учун ҳар тарафлама қулайлик туғдирмоқда, — дейди Зангиота туманидаги “Бўзсув” қишлоқ фуқаролар йиғинидан У. Ҳамдамова. — Фарзандлар тарбиясидан ортиб, қўшимча даромад қилишга имкон топа олмаётган эдим. Туманимиздаги Бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари бу борада менга ёрдам беришди.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига доимий эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Исамуҳамедов. — Ана шундай фуқаролар учун корхона ва ташкилотларда саккиз мингдан ортиқ иш ўрни захираланган эди. Айни пайтгача шу тоифага кирувчи 8200 нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштирилди. Шу билан бир қаторда, ишлаш қобилиятига эга ногиронларнинг йигирма нафардан ортиғи иш билан таъминланди.

Жойларда меҳнат бўлимлари томонидан 2009 йилда 135 та меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Бу ярмаркаларда вилоятдаги уч мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар йигирма уч мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркаларда қатнашган йигирма беш мингдан ортиқ фуқароларнинг асосий қисми ишга жойлаштирилди. Шунинг уч мингдан зиёдини аёллар, тўрт мингдан кўпроғини эса ёшлар ташкил этди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

## РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.

Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.

Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз.

Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она-юртимиз, Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ — 1091-сонли қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **“Ягонасан, муқаддас Ватан!”** республика кўрик-танловини эълон қилади.

### Танлов уч босқичда ташкил этилади:

**I босқич — 2010 йил 15 апрелдан 1 июлгача**
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.

**II босқич — 1 июлдан 20 июлгача**
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.

**III босқич — 20 июлдан 10 августгача**
Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсиялари асосида профессионал, хаваскор якка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

**Биринчи ўрин учун**
Энг кам иш ҳақининг 320 баробари миқдорида
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)

**Иккинчи ўрин учун**
Энг кам иш ҳақининг 220 баробари миқдорида
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)

**Учинчи ўрин учун**
Энг кам иш ҳақининг 110 баробари миқдорида
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)

Танловда ғолиб бўлган қўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона.**
**Театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси.**
**Тел.: (8-371) 239-43-73.**

***Вобкентлик Толибжон Исмоиловни турмуш ўртоғи Орзугул опа билан Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув пунктида учратиб қолдик. Муддатли ҳарбий хизматга отланган ўғли Таваккални кузатгани келишган экан.***

**Фахр**

# САФЛАРДА ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ

— Ўғлим Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муяссар бўлаётганидан хурсандман, — дейди Толибжон ака ғурурланиб. — Унинг акалари изидан боришига, армияда янада кучқувватга тўлиб, ўзига билдирилган ишончни сидқидилдан адо этишига ишонаман.

Отанинг бу сўзларни айтиши бежиз эмас. Оиланинг тўнғичи Суннатилла Қуролли Кучларимиз сафида йигитлик бурчини ўтагач, Навоий кончилик институтида таҳсил олди. Ҳозир Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаяпти. Иккинчи ўғли Тўлқинжон эса муддатли ҳарбий хизматдан кейин институтга давлат гранти асосида ўқишга кирди.

— Ҳар иккала ўғлимнинг ҳаётда ўз йўлларини топишида армиянинг ўрни ниҳоятда катта, — дейди Толибжон ака. — Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш ёшлар учун чинакам ҳаёт мактаби вазифасини ўтаяпти.

— Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқаролларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида”ги қарори асосида йигитларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг армияда хизмат қилишга тайёргарлик даражасини аниқлаш, бунда жамоатчилик иштирокини таъминлаш каби қатор ташкилий юмушларни бажардик, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими Фазлиддин Бегимов. — Буларнинг барчаси чақирувни ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга қаратилган.

Бу орада йигитлар саф тортишди. Уларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган тантанали маросим бошланди.

Тадбирда сўзга чиқан “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ЁИҲ вилоят бўлими вакиллари ҳамда ота-оналар бўлажак аскарларни юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида садоқат билан хизмат қилишга даъват этдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари томонидан суд органлари ходимлари олдига қўйилган вазифалар ва уларнинг ижросига бағишланди.

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсли

(Давоми 2-бетда).

## Ипак гиламлар

***ФАРҒОНА. Охунбобоев туманилик тадбиркор И. Султонов касаначилик асосида ипакдан гилам тўқишни йўлга қўйди.***

Ҳозир у раҳбарлик қилаётган “Иброҳимжон гиламлари” корхонаси ишчилари 60 кишига етди. Касаначилар ўтган қисқа муддатда 20 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардилар.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кредитлар — модернизацияга

**НАВОИЙ.** Кармана тумани Уйрот қўрғонидаги “Консигнатор” корхонасида 350 миллион сўмлик кредит ҳисобига кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилгач, бу ерда сифатли гўшт ва колбаса маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилди. Янги қувватларнинг ишга туширилиши туфайли 16 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



## Боқий мерос эъзози

***ТОШКЕНТ. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг шундай бебаҳо адабий хазинаси борки, у нафақат мамлакатимиз, балки дунё шеърият ихлосмандлари учун ҳам ниҳоятда қимматли ва аҳамиятлидир.***

Эътиборлиси, Навоий ижоди замон ва макон танламайди. Уларда қаламга олинган мавзулар эса боқийликка дахлдор. Шу сабабдан Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётир.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида Алишер Навоий адабий ва илмий меросини ўрганиш масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманда ҳам шу хусусда сўз борди.

(Давоми 4-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

***2009 йилда мамлакатимизда пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми***

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАЖМИ КЕНГАЙМОҚДА

**12,9 фоизга ўсди.**

*Соҳада ислоҳотлар изчил олиб борилаётгани, жойларда аҳоли ва ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаси субъектларининг кенг тармоғи яратилгани, айниқса, транспорт ва телекоммуникациялар тизими жадал ривожланаётгани туфайли шундай ижобий натижа қўлга киритилди.*

***ХОРАЗМ. Питнак шаҳарчасида томёпқич ҳамда шифер ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Hazorasp Bakery” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

## Питнакда янги корхона

“Ўзсаноатқурилишбанк”дан киритилган сармоя ҳисобига замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилиши туфайли бу ерда йилига 233 минг донадан ортиқ рангли шифер, 345 минг квадрат метрдан зиёд металл черепица ва 5 минг квадрат метр томёпқич материаллари ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

Айтиш лозимки, 15 киши меҳнат қилаётган корхона фаолиятини бошлагандан буён ички бозорга 100 миллион сўмлик маҳсулот чиқарди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи

# ЯШАРАЁТГАН, ЯНГИЛАНАЁТГАН НАМАНГАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бунгача ҳам, тўғрироғи, мустақиллик йилларида шаҳримизда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ғуломжон Акбаров. — Бир қатор қўшма корхоналар, бири-биридан кўркам коллеж ва лицейлар, муҳташам спорт мажмуалари, турар-жойлар, маданий-маиший бинолар шулар жумласидан бўлиб, шаҳримиз чиройига чирой қўшганди. Бироқ хусусийлаштиришга, тадбиркорликка кенг йўл очилганидан фойдаланган жуда кўплаб савдо, маданий-маиший, умумий овқатланиш шохобчалари эгалари билиб-билмай шундоқ катта, серқатнов йўллар ёқасига, ҳатто йўлкаларгача ошхона, чойхоналару турли дўконларни режасиз қуриб ташлашганди. Натижада-чи? Бу "хонаки иншоотлар" қатновга, йўловчиларга халақит бериш билан бирга, экологик муҳитни бузиб, шаҳримиз ҳуснига доғ бўлиб тушганди. Айни пайтда шундоқ марказдаги бетакрор бинолар, гулзору хиёбонлар ёнгинасида алмисоқдан қолган тор кўчалар, гувала уйлар ҳам шаҳар қиёфасига мутлақо ярашмай турарди.

Давлатимиз раҳбари шаҳримизда бўлганларида, худди ана шу жойларга эътибор қаратдилар. Наманганни том маънодаги замонавий шаҳарга айлантириш вазифасини қўйдиларки, бу айни халқимизнинг дилидаги иш бўлди.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган қароридан кейин вилоятдаги деярли барча бинокорлар, меъмору муҳандислар, лойиҳачилар, йўлсозлар, раҳбару мутасаддилар — ҳамма-ҳамма дастурни ҳаётга татбиқ этишга киришди. Йўллар, кўприклар, катта трассалар ёқасида қад ростлайдиган бинолар лойиҳалари тузилиб, қурилиш, таъмирлаш, кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди.

Бугун Наманган улкан қурилиш майдонига айланган. Шаҳарнинг барча ҳудудида қурилиш материаллари ортган, қум, шағал ташиётган турнақатор машиналарга, кун сайин кўкка бўй чўзаётган бинолар қурилишида қўли-қўлига тегмай ишлаётган қурувчиларга, йўлларни кенгайтираётган, асфальт ётқизаётган, йўл ёқаларида гулзор, хиёбонлар ўрнини тайёрлаётган кишиларга кўзингиз тушади. Ҳамманинг фикри-ёди бир мақсадга — белгиланган ишларни бекаму кўст амалга ошириш, Наманганни энг обод, энг гўзал гўшалардан бирига айлантиришга қаратилган.

Янги йилнинг дастлабки кунларида шаҳарнинг жанубий айланма йўли ва Дўстлик шоҳкўчаси кесишмасидаги йўлўтказгичнинг биринчи навбати қуриб битказилиши билан автобуслар қатнови яна ўз изига тушди.

— Илгари худди мана шу ерда автомобиллар тирбанд бўлиб қоларди, — дейди Ғуломжон ака. — "Жаҳон бозори" томонидан келаётган қатор-қатор автомашиналар катта йўлдан ўтаётган автоуловлар оқимига қўшилолмасдан узоқ туриб қолар ёки аксинча, ён томондан чиқаётган машиналарга йўл бериш асносида асосий йўлда пайдо бўлган автобус ва "Дамас"лар "карвони" бир неча километрга чўзилиб кетарди. Бу эса йўловчилар вақтини олгани етмаганидек, ортиқча асаббузарликларга ҳам сабаб бўларди. Янги йўлўтказгич эндиликда бу ҳолга бутунлай барҳам берди. Унинг битказилган шу қисмининг ўзида 3,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди...

Маълумки, ҳар бир шаҳар, ҳар бир юртнинг ўз дарвозалари бўлади. Наманганнинг ғарбий дарвозаси Тўрақўрғон шаҳридан бир оз ўтгандан кейин бошланади. Илгари бу ерда тартибсиз экилган дов-дарахтлар, ариқ-зовурлар, пасқамкўримсиз бинолар шаҳар "юзи"ни тўсиб турарди. Яна йўлнинг торлигидан машиналар соатлаб тўхтаб қолган ҳоллар ҳам кўп учрарди. Эндиликда шаҳар аэропортига олиб борадиган йўл икки қатор қилиб янгидан қурилди. Бир қарашда, бу қўшқанот йўл катта майдонга ташлаб қўйилган тимқора лентани эслатади. Узоқдаги аэропорт биноси ҳам шундоққина кўзга ташланиб, товланиб турибди. Наманган гўё камида икки ҳиссага кенгайган кафтдек, равон йўллар, йўлкалар, бири-биридан гўзал бинолар, гул экишга тайёрлаб қўйилган хиёбонларга қараб, баҳридилингиз очилади. Киши қалбини алланечук қувонч, кўтаринки кайфият эгаллайди. "Бу менинг шаҳрим, Наманганим!" деган сўзлар, фахр-ифтихор ҳисси юрак-юракни чулғаб олади.

Наманганни атроф қишлоқлар билан боғловчи Янгиобод кўчаси энг серқатнов йўл ҳисобланади. Шундай бўлса-да, жуда ҳам тор, турли савдо шохобчалари, гўшт дўконлари билан тўла бу кўча йўловчиларга ҳам, ҳайдовчиларга ҳам, шу ерда истиқомат қилувчи аҳолига ҳам кўплаб ноқулайликлар туғдирарди. Эндиликда мазкур кўча ҳам кенгайтирилиб, янгича қиёфа касб этмоқда.

Наманганликлар спортни севишади. Спортчи ёшлари, турли йўналишларда ғолиб чиққан мамлакат ва жаҳон чемпионлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Ана шундай жисмонан етук, маънан соғлом фарзандларни тарбиялаш учун вилоятда зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, эндиликда Наманган шаҳридаги муҳташам спорт иншоотлари қаторига яна бир спорт комплекси қўшиладиган бўлди. Шаҳар марказида қуришга киришилган мазкур спорт мажмуасини "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг "Карбонам" МЧЖ қурилиш дирекцияси буюртмасига асосан, бош пудратчи "Юггазстрой" ОАЖнинг "Юггазспецмонтаж" унитар корхонаси жамоаси барпо этмоқда. "Наманганархитектқурилишлойиҳа" МЧЖ институти лойиҳаси асосида қад ростлаётган бу мажмуа таркибида жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган минг ўринли стадион, ёпиқ сув ҳавзаси, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, бокс, кураш, ядро отиш майдонлари ва теннис корти бўлади.

— Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни арафасида топширилиши мўлжалланаётган бу ажойиб иншоот Баркамол авлод йилида муҳтарам Президентимизнинг шаҳар ёшларига муносиб совғаси бўлади, — дейди лойиҳа муҳандиси Р. Одилов.

Муҳандис йигит бу ерда жонбозлик кўрсатиб ишлаётган Ашраф Алиқулов, Мухторжон Ҳайдаров, Фозилжон Собиров каби қурувчилар номини алоҳида тилга олди.

Шаҳарни айланиб, қурувчилар, йўлсозлар, кўприксозлар билан "ҳорма, бор бўл" қилиб ўтарканмиз, Дўстлик шоҳкўчасида сайр этиб юрган бир гуруҳ отахонларга дуч келдик. Танишдик. Улар Поп туманидан экан.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

— Невараларимнинг биттаси шу ерда ўқийди, — дейди ўзини Райимжон ота Эшматов дея таништирган оқсоқол. — Ҳар дам олиш куни уйга борганда, Намангандаги ўзгаришларни оғзидан бол томиб гапиради. "Э, опоқижон, жуда катта ишлар бўляпти, борсангиз кўрасиз. Шаҳарни танимайсиз!" деб юрагимни қиздиради. Шу десангиз, бир гуруҳ қишлоғимиз оқсоқоллари билан атайин Наманганни кўргани келдик. Қойил!

Ўзим яқин қирқ йил йўл қурилиши соҳасида ишлаб, пенсияга чиққанман. Қанчадан-қанча йўлларни бунёд қилишда иштирок этганман. Лекин... Лекин мана бу йўлларнинг катталигини, чиройлилигини, маҳобатини кўриб, бири-биридан ажойиб биноларни томоша қилиб, очиғи, қурувчиларнинг ишига, дидига, усталигига қойил қолдим. Раҳмат-э! Илоҳим, шундай улуғ ишларни бошлаб берган, Наманганимизни обод шаҳарга айлантиришда ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиз соғ-омон бўлсинлар! Мамлакатимизга, халқимизга, ҳамжиҳатлигимизга асло кўз тегмасин!

Бу ниятга ҳаммамиз қўшилдик.

Отахон яхшигина суҳбатдош экан.

— Бизнинг қишлоқни минг уйли Санг, дейишади. Салкам 17 минг аҳоли яшайдиган катта қишлоқ. Борсангиз, кўчаларини айланиб юрсангиз, қишлоқмас, шаҳар дейсиз. Бу-ку Наманган шаҳри — вилоятимиз маркази. Бизни қишлоқда ҳам, бошқа қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган қатор-қатор уй-жойлар қурилаяпти. Бу уйларни оламан, деганларга давлат банкдан маблағ бераяпти. Мен сизга ёши аллақачон саксондан ошган бир одам сифатида айтай-да, болам. Замон замон бўлиб бундайин катта, улуғ ишларни ҳеч ким кўрмаган! Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз туфайли, узоқни кўра оладиган, мард, танти, халқпарвар Президентимизнинг оқилона сиёсатлари туфайли бўлаяпти!

Отахон билан хайрлашдик.

Дарҳақиқат, юртимиздаги ўзгаришлар одамларимизни фахрлантириб, қалбларига ўзгача ғурур ҳиссини бахш этмоқда. Таъбир жоиз бўлса, гуллар шаҳри — Наманган ҳам бугун ўзининг бор тақинчоқларини тақиб, ороланиб, янги баҳорига — Наврўзи оламга пешвоз чиқаётган гўзал келинчакка ўхшайди. Бу ўринда "янги баҳори" деган иборани бежиз қўлламадик. Чиндан-да, улуғ истиқлол шарофати, Юртбошимиз раҳнамолигида жаҳон шаҳарсозлигининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этиб, янгиланаётган Наманган бу баҳорни бутунлай ўзгача қиёфада, янгича чирой, янгича жозиба, янгича латофат ила қарши олмоқда.

**Али ЗИЁДОВ.**



# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида таъкидлаганидек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектларни тиклаш бўйича 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.***

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун эса мамлакатимизда 670 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилиб, улар юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Бизнинг компаниямиз — ана шулардан бири. Айни кунларда вилоятимиздаги "Ўрта Осиё меъмор", "Мафтуна" ва "Алмаз" каби қурилиш фирмалари Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Бахмал, Ғаллаорол ва Жиззах туманларининг ҳар бирида намунавий лойиҳалар бўйича 20 тадан, жами 60 та янги уй-жойни бунёд этмоқда.

**Қарор ва ижро**

Шуниси эътиборлики, бу қурилишларда мазкур уй-жойларнинг бўлғуси эгалари ҳам ўз маблағлари билан қатнашмоқдалар. Бироқ қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан аҳолига бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан қопланаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, бўлажак уй соҳиби сарфланган маблағни бирданига эмас, балки 15 йил давомида босқичма-босқич тўлаб боради. Айни шу ҳолат, аслида, халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар берилганидан далолатдир.

Бугунги кунга келиб, вилоятимиз қишлоқларида олиб борилаётган ана шу бунёдкорлик ишларининг дастлабки натижалари ҳам кўзга яққол ташланиб қолди.

Хусусан, Жиззах туманида фаолият кўрсатаётган "Ўрта Осиё меъмор" кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари уйларнинг томини ёпиш юмушларини ниҳоясига етказиб, хоналарни пардозлаш ишларини бошлаб юбордилар. Уларнинг мақсади битта: жорий йилнинг биринчи чораги охирида янги уйларнинг калитларини эгаларига топшириш. Шу ниятда қурилиш майдонларига металл маҳсулотлари, цемент, ғишт ва ёғоч материаллари ўз вақтида, узлуксиз етказиб берилмоқда. Қурувчилар эса ўз зиммаларидаги вазифаларни аниқ режа асосида амалга ошириб, бунёдкорлик ишларини изчил давом эттирмоқдалар.

**Ибрат ЖАВЛОНОВ,**
**«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясининг Жиззах вилояти филиали бош муҳандиси.**

***Халқ таълими вазирлигида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.***

# САМАРАДОРЛИК ЙИЛИ

Маълумки, 2009 — 2010 ўқув йили Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим-тарбия муассасаларида "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ўқув йили" деб эълон қилинган. Шу муносабат билан ўқув масканларида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, ўқувчилар ва тарбияланувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, ғоявий ва ахборот таҳдидларидан ишончли ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Тадбирда ўқув йилининг дастлабки даврида эришилган натижалар муҳокама этилиб, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Маънавият**

Семинар иштирокчилари тадбир доирасида пойтахтимиздаги "Бунёд Зиё" нодавлат таълим муассасаси ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда йўлга қўйилган ижобий тажрибалар билан яқиндан танишдилар.

**Жаҳонгир МУСАЕВ.**

# МУҲТАШАМ САВДО МАЖМУАСИ

***Андижон шаҳрида муҳташам савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.***

"Андижон-Кўмакай" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари бунинг учун 700 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

Эътиборлиси, сотувчи ва харидорларга барча қулайликлар яратилган ушбу мажмуа бағрида 220 та янги иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Бу борада қабул қилинган қонунлар асосида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

Жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалий ифодаси суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан, суд органларида хизмат қилаётган ходимларнинг масъулиятига ҳам боғлиқ. Зеро, уларнинг фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, бошқача айтганда, жамиятда қонун устуворлиги тамойили тўла амалга ошишига хизмат қилади. Тадбирда бу борада суд органлари олдида турган вазифалар, соҳани янада такомиллаштириш борасида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар хусусида фикрлашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М. Ражабова сўзга чиқди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 9 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1324,40 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2387,19 |
| 1 Дания кронаси | 280,46 |
| 1 БАА дирҳами | 416,77 |
| 1 АҚШ доллари | 1530,74 |
| 1 Миср фунти | 279,84 |
| 1 Исландия кронаси | 11,91 |
| 1 Канада доллари | 1428,06 |
| 1 Хитой юани | 224,23 |
| 1 Малайзия ринггити | 444,85 |
| 1 Польша злотийси | 512,06 |
| 1 СДР | 2359,56 |
| 1 Туркия лираси | 1001,53 |
| 1 Швейцария франки | 1421,56 |
| 1 ЕВРО | 2122,91 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,06 |
| 10 Япония иенаси | 171,47 |
| 1 Россия рубли | 50,24 |
| 1 Украина гривнаси | 191,31 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

***Иймони суст инсоннинг руҳини шайтон эгаллаб, уни турли кўйга солиб, маънавиятини парчалайди. Нафсига зўриқиш бериб, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайдиган қилиб қўйиши тайин. Чунки маънавияти тўкис бўлмаган ҳар қандай ва турли ёшдаги инсонлар айнан шайтон васвасасига учиб, турли жиноятларга қўл уришлари жамиятимизда, оз бўлса-да, учраб тураётганлиги бунга далил.***

# ТАМАГИРНИНГ ТУЗОҒИ

Зафарободлик Шоҳруҳ Салоҳиддиновни сиртдан кўрган ва билган кишилар унга ҳавас билан қарашади. Ёш, олий маълумотли. Нуфузли идорада ишлайди. Қолаверса, ҳамкасблари ҳам унга чаққон йигит, деб таъриф беришади. Лекин юзаки берилган баҳо доимо ҳам ўзини оқлайвермайди. Сиртдан туппа-тузук кўринган бу йигит тамагирлик касалига йўлиққан экан.

Маълумки, мамлакатимизда меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилган ва хорижий давлатлар билан келишилган шартномалар асосида бу соҳада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чет элга юбориладиган номзодлар эса шартномада талаб қилинган турли тест синовларини топшириш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги "Жўнаб кетишдан олдинги мослашув ва ўқитиш маркази" орқали тиббий кўрикдан ўтадилар. Агар соғлиқлари белгиланган талаб даражасида бўлса, улар чет элга ишга юбориладилар.

Ш. Салоҳиддинов айнан шу марказнинг 1-тоифали йўриқчиси лавозимида ишлаб келган. Унга юклатилган вазифа — Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали чет элга ишлаш учун жўнатилаётган фуқароларнинг соғлиғи ҳолатини хорижий иш берувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда вaколатли тиббиёт муассасаларини жалб этиб, тиббий кўрикдан тўлиқ ўтказиш бўлган.

Ҳозир, чет элда ишлайман, деганлар кам эмас. Айримлари бу йўлда ҳамма нарсага рози. Маълумки, тиббий кўрикдан муваффақиятли ўтолмаганлар чет элга юборилмайдилар.

Шоҳруҳ айнан шу жараёндан ўзининг шахсий манфаати йўлида фойдаланишни ният қилиб, ғаразли ишга қўл уради. Яъни у марказга юборилаётган номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида уларни "яроқсиз" деб топтириш ва шу орқали Жанубий Кореяга ишлашга юборилишларига тўсқинлик қилиш билан қўрқитиб, тиббий кўрикдан "яроқли" деб топтириш эвазига улардан пора тариқасида пул маблағлари талаб қилиб олишни режалаштиради.

Ш. Салоҳиддинов ўзининг жиноий фаолиятини Жанубий Кореяга ишлаш учун юборилаётганлар орасида номзоди бўлган Шомурод Ҳусановни тузоғига илинтиришдан бошлайди. Уни 2009 йил 28 апрель куни Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида тиббий кўрикдан ўтказишга олиб келади. Текширувдан кейин Ш. Ҳусановга унинг қонида гепатит аниқланганлиги сабабли "яроқсиз" деб топилганлигини айтади. Шунингдек, уни чет элга юбориш ва "яроқли" деб топтириш ўзининг қўлида эканлигига шаъма қилиб, хизмати эвазига 300 АҚШ доллари беришни талаб қилади. Қилаётган бу иши қонунга хилоф эканлигини била туриб, ундан тамагирлик йўли билан айтган миқдордаги порасини шахсан ўзи олади. Шундан кейингина Ш. Ҳусанов Жанубий Кореяга ишлашга жўнаб кетади.

Ови бароридан келган Ш. Салоҳиддинов кейинги тузоқни А. Жўраевга қўяди. Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидан келган А. Жўраевга ҳам Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тиббий кўрикдан ўтиши учун марказга йўлланма беради. У ҳам Шоҳруҳнинг назоратида 3-клиникадан тиббий кўрикдан ўтказилганда, қонида гепатит борлиги аниқланиб "яроқсиз"га чиқарилади. Шундан кейин унга ҳам Ш. Салоҳиддинов агар 400 АҚШ доллари олиб келса, чет элга жўнаб кетишига ҳеч қандай тўсқинлик бўлмаслигини қайта-қайта тайинлайди. Абдуазиз ҳеч қачон гепатит билан касалланмаганлиги учун шубҳага бориб, хусусий клиникада қайтадан тиббий кўрикдан ўтади. Клиникадаги шифокорлар ўтказилган лаборатория таҳлилларидан кейин унинг соғлиғи меъёрида эканлигини ва қонида гепатит хасталиги белгиси йўқлигини айтишиб, саломатлиги ҳақида тиббий кўрик хулосасини, яъни маълумотнома ҳам ёзиб беришади. Абдуазиз ушбу маълумотномани марказга олиб келиб, Ш. Салоҳиддиновга тақдим этади. Шоҳруҳ эса унга "Бу маълумотномангг ўтмайди, буни сотиб олган бўлишларингиз мумкин, менинг айтганимни қилмасанг, бу ерда ўқимайсан ва ўз-ўзидан чет элга ишга ҳам боролмайсан", деб пўписа қилади. Ноилож қолган А. Жўраев охир-оқибат 400 АҚШ долларини Ш. Салоҳиддиновга пора сифатида беришга мажбур бўлади.

Мўмай даромаддан нафси ҳакалак ота бошлаган тамагир кейинги сафар фуқаро Нуриддин Бобоёровни авраб алдайди. Яна худди аввалгидек жараён такрорланади. Ш. Салоҳиддинов бу йигитни аввалига "яроқсиз"га чиқариб, кейин "яроқли" қилиб маълумот тўғрилаб бериш эвазига ундан ҳам 2009 йилнинг 13 май куни 400 АҚШ долларини пора сифатида олади.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача", деган нақлни унутган Шоҳруҳ ҳеч ким унинг қинғир ишига тўсиқ қўймагач, тамагирлик жиловини янада бўш қўйиб юборади. У ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида тиббий кўрикдан ўтказилган ва 3-даражали варикоцеле касаллиги аниқланган чет элда ишлашга номзод Иномжон Абдураимовни ҳам ўз тўрига илинтирмоқчи бўлади. Ундан ҳам тиббий кўрикдан "яроқли" деб топтириш эвазига 300 АҚШ долларини пора сифатида сўрайди. Касал одамни қандай қилиб "соғ" одамга айлантирадиган бу "сеҳргар"нинг гапига ишонмаган Иномжон Шоҳруҳнинг тамагирлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини хабардор қилади.

**Жиноят ва жазо**

Шундай қилиб, Ш. Салоҳиддинов И. Абдураимовдан муқаддам пора тариқасида тамагирлик йўли билан талаб қилинган 300 АҚШ доллари миқдоридаги порани шахсан ўзи олган вақтда Ўзбекистон Республикаси МХХ ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти тезкор ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Ш. Салоҳиддиновнинг қилган жинояти ашёвий далиллар ва гувоҳларнинг сўзлари билан тўла-тўкис исботланиб, суд ҳукмига кўра, унга етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Биз шу ерда мақолага нуқта қўйишимиз ҳам мумкин эди. Лекин ушбу жиноий ишга янада ойдинлик киритиш мақсадида ва чет элга кетаётган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишдек ишга бошқалар ҳам масъул бўлганлигини назарда тутиб, баъзи бир фикрларни айтишни лозим топдик.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг маълумотларига қараганда, 2008 йилда шартнома асосида Жанубий Кореяга ишлашга юборилган 6 нафар фуқаромиз носоғлом бўлганлиги учун мамлакатимизга қайтариб юборилган. Шартнома шартларига кўра, соғлом деб топилган номзод чет элга борганидан кейин, у ерда ўтказиладиган тиббий кўрикда носоғлом деб топилса, унинг йўл харажатлари хорижий иш берувчи томонидан Агентликдан ундириб олинади. Агентлик эса, ўз навбатида, бу харажатларни марказдан талаб қилиб олиши белгиланган. Демак, чет элга ишга кетаётган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ниҳоятда катта масъулият талаб қилиши билан бирга, моддий жавобгарлиги ҳам бор. Бу жараён кўпчиликнинг иштирокида амалга оширилади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, биргина Ш. Салоҳиддиновнинг саъй-ҳаракатлари билан чет элга ишга кетишга номзод бўлган фуқароларнинг соғини касал, касалини соғ қилиш мумкин эмас. Демак, кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги, белгиланган вазифасига масъулиятсизлиги Шоҳруҳнинг жиноий ишга қўл уришида қўл келган. Масалан, Ш. Салоҳиддиновдан олинган Ш. Ҳусановнинг 2009 йил 28 апрелдаги тиббий кўрик хулосасига кўра, HBS антингени аниқлангани сабабли номзод яроқсиз, деб топилган. Аммо Ташқи меҳнат миграцияси агентлигидан олинган ҳужжатларда ушбу номзод 2009 йил 5 майдаги тиббий кўрик хулосасига кўра яроқли, деб топилган ва HBS антингени мавжуд эмас, деб қайд этилган. Чет элга ишга кетишга номзод А. Жўраевнинг тиббий кўрик хулосасида ҳам айнан шундай икки хиллик, қарама-қарши тиббий хулосалар ифодаланган. Кишини ҳайрон қолдирадиган жиҳати, қандай қилиб 5-6 кун оралиғида инсон қонида бундай ўзгариш бўлиши мумкин?! Бу каби ҳолатни тиббиёт ҳам инкор этади.

Тўғри, бу кўзбўямачиликлар ортида Ш. Салоҳиддиновнинг пора олиш мақсадида амалга оширган жиноий кирдикорлари ётибди. Лекин марказ раҳбарлари, қолаверса, тиббий кўрикни амалга оширувчи тиббиёт ходимлари нима учун бу ҳолатларга эътиборсизлик билан қарашганлиги кишида таажжуб уйғотиши табиий. Агар, улар ўз ишларига ҳушёрлик ва масъулият билан ёндашганларида эди, Шоҳруҳга ўхшаган тамагирлар ўз ватандошлари орзуларининг амалга ошишига тўғаноқ бўлиб, уларни чув туширишга ҳаддилари сиғмас эди.

Хуллас, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Ш. Салоҳиддиновнинг фаолиятига чек қўйишмаганда, яна қанчадан-қанча фуқароларимиз овораю сарсон, соғ киши қолиб, касал киши чет элга ишга кетган бўлармиди?!

**Абдураззоқ КАРИМОВ.**

# АКАДЕМИК ПЎЛАТ ҲАБИБУЛЛАЕВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Атоқли физик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев шу йил 7 февраль куни 74 ёшида вафот этди.

П. Ҳабибуллаев 1936 йилда Андижон вилоятининг Асака туманида туғилди. 1960 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тугатди, 1964 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 1973 йилда профессор унвонига сазовор бўлди, 1984 йилда эса Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолигига сайланди.

1963 йили Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)да катта ўқитувчи сифатида иш бошлаган П. Ҳабибуллаев қарийб 50 йил давомида самарали илмий-педагогик фаолият олиб борди. У Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири, Андижон пахтачилик институти ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти директори, Фанлар академияси вице-президенти ва президенти, Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази директори ҳамда Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими раҳбари каби лавозимларда хизмат қилди.

П. Ҳабибуллаев давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиуми раиси, Ўзбекистон Олий Кенгашининг Халқаро ишлар қўмитаси раиси сингари масъул вазифаларда фаолият кўрсатди.

Атоқли олимнинг физика соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 500 дан ортиқ мақоласи, 30 га яқин монографияси мамлакатимиз илм-фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

П. Ҳабибуллаев жонкуяр устоз сифатида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодларини тайёрлашга бевосита раҳбарлик қилди.

Академик П. Ҳабибуллаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига, "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони ва "Меҳнат шуҳрати" орденига сазовор бўлган эди.

Йирик олим, истеъдодли илм-фан ташкилотчиси, меҳрибон устоз Пўлат Ҳабибуллаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ,**
**Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ,**
**Э. ЗОҲИДОВ, А. АРИПОВ, Ш. СОЛИҲОВ,**
**М. САЛОҲИДДИНОВ**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАКАМ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИНИ БОШҚАРАДИ

***Ниҳоят, миллионлар ўйини — футбол бўйича жорий йил Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида Ўзбекистондан ҳам вакил қатнашадиган бўлди.***

Гап шундаки, куни кеча Швейцариянинг Цюрих шаҳрида якунланган ФИФА ҳакамлар қўмитаси йиғилишида мундиал ўйинларини бошқарадиган 30 нафар ҳакам рўйхати эълон қилинди. Улар орасида ФИФА рефериси, ҳамюртимиз Равшан Эрматовнинг ҳам борлиги, шубҳасиз, ўзбекистонлик барча футбол ишқибозлари қалбига олам-олам қувонч бағишлади. Шунингдек, яна бир вакилимиз Рафаэль Илёсов чемпионат мусобақаларида Эрматовга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, бу сафар ҳакамларни саралаш жараёни анча мураккаб, қарийб икки йил давом этди. Сўнгги босқичда ФИФА рўйхатида 37 нафар бош ҳакам ва 74 нафар қанот ҳакамм бор эди. Якунда 28 та давлатдан 30 нафар бош ҳакам жаҳон чемпионатининг жами 64 та учрашувини бошқарадиган бўлди.

Август ойида ўттиз уч ёшга тўладиган Равшан Эрматовнинг жаҳон чемпионатига ҳакам сифатида бориши айримлар учун оддий ҳолдек туюлиши мумкин. Лекин юртдошимизнинг МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан жаҳон чемпионати ўйинларини бошқаришга жалб этилаётган ягона рефери эканлигини инобатга олсак, воқеанинг муҳимлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Шу ўринда Равшан Эрматов етти йиллик профессионал ҳакамлик фаолияти давомида доимо мусобақаларни адолатли, ФИФА қоидаларига мос равишда бошқариши билан мухлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлиб келаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Шундан бўлса керак, у 2008 — 2009 йилларда кетма-кет икки бор Осиёнинг энг яхши ҳаками сифатида эътироф этилди. Бунгача қитъамизнинг икки нафаргина ҳаками шундай номга сазовор бўлган эди. Булар хитойлик Лу Чжун ва сингапурлик Шамсул Майдиндир.




Юртдошимиз ҳозиргача Финляндия, Канада ва Жанубий Корея давлатлари мезбонлик қилган ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари баҳсларини муваффақиятли бошқариб, катта тажриба тўплаган. Айниқса, кўпчилик мухлислар унинг 2008 йили клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати финалида "Манчестер Юнайтед" (Англия) — ЛДУ (Эквадор) учрашувини юқори савияда бошқарганлигини яхши эслашади.

— Бугунги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаш қийин, — дейди Р. Эрматов. — Буни мен мамлакатимизда футболни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги натижаси, деб биламан.

Энди биз, ҳакамлар чемпионат олдидан март ойида ташкиллаштириладиган ўқув семинарларида иштирок этамиз. Май ойида якуний баҳолаш ўтказилади. Унда "ЖЧ — 2010"нинг дастлабки ўйинларини бошқарадиган ҳакамлар бригадаси аниқланади.

***Тажрибали дзюдочимиз Ришод Собиров жорий йилдаги навбатдаги ғалабасига эришди.***

## Ришод Собировнинг яна бир муваффақияти

У куни кеча Францияда якунланган "Катта дубулға" туркумига кирувчи нуфузли мусобақада кумуш медаль билан тақдирланди. Пекин Олимпиадаси совриндори финалгача бўлган барча беллашувларни ғалаба билан якунлади. Фақат шу босқичда грузиялик Давид Асумбанига очколар бўйича имкониятни бой берди.

Эслатиб ўтамиз, Ришод Собиров 16-17 январь кунлари Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида ташкиллаштирилган "World Masters" халқаро турнирида ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган эди.

# БОКСЧИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

***Ҳамюртимиз Тимур Ибрагимов профессионал бокснинг ўта оғир вазнида WBA ва IBA йўналишларида қитъалараро чемпионлик камарларини қўлга киритди.***

Ўтган шанба оқшомида Москва шаҳрида ташкиллаштирилган бокс кечасида вакилимиз танзаниялик Авада Тамимга қарши ўн икки раундлик чемпионлик баҳсида рингга чиқди. Аммо жанг, мутахассислар тахмин қилганидек, узоқ давом этмади. Авада Тамим юртдошимизнинг кучли зарбаларига учинчи раундгача чап бериб туришнинг уддасидан чиқа олди, холос. Айнан шу раундда Тимур Ибрагимов рақибини кетма-кет уч бор нокдаун ҳолатига туширишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг рефери жангни тўхтатиб, Тимур техник нокаут билан ғалаба қозонганини эълон қилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтсак, 1975 йили Урганч шаҳрида туғилган Тимур Ибрагимовнинг профессионал боксдаги жанглари сони шу билан 30 тага етди. У шундан 27 тасида ғалаба қозонган, 15 тасида рақибларини нокаутга учратган. Бир учрашувда дуранг натижага эришган бўлса, иккитасида мағлубиятга учраган.

Тимур Ибрагимов ҳаваскор боксда ҳам арзигулик ютуқларга эришган. Жумладан, беш карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпиони, жаҳон кубоги совриндори бўлган. 1996 йили Атланта (АҚШ)да ўтган Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси байроқдори бўлган.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

# Кучлилар аниқланди

Жиззах шаҳридаги "Шоҳруҳ" шахмат клубида 10-16 ёшли шахматчилар ўртасида вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

Бир ҳафта давом этган беллашувда шаҳар ва туманларнинг 50 нафардан зиёд энг кучли шахматчилари ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Мусобақа якунларига кўра, энг кўп очко тўплаган ўн нафар шахматчи республика биринчилигида вилоят шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Шу кунларда АҚШда ҳақиқий қаҳратон қиш ҳукм сурмоқда, дейилади "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарида.***

### Океанортида қаҳратон қиш

Вашингтонда фақат бир кеча-кундузда ёққан қорнинг қалинлиги 25 сантиметрдан ошган. Мамлакатнинг шарқий ҳудудларида ёғингарчилик ҳали-бери тинмайдиган кўринади. Метеорологларнинг фикрича, бундай ҳолат 90 йилдан бери кузатилмаган экан.

Ноқулай об-ҳаво туфайли мамлакатда икки киши ҳаётдан кўз юмган, йирик магистралларда автомобиль қатнови тўхтатилган, бир неча юз минг киши электр манбаисиз қолган. Виржиния, Мэриленд ва Делавэр штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.



### Динозаврлар изи

***Хитойлик палеонтологлар мамлакатнинг Шаньдун музофотида 100 миллион йил аввал яшаган динозаврлар изини топишди.***

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, олимлар ушбу ҳудудда уч ой мобайнида қидирув олиб боришган. Натижада динозаврларнинг уч мингдан ортиқ изи аниқланган. Тадқиқотчи Ван Хайцзюннинг таъкидлашича, булар мазкур жониворларнинг тиранозавр, гидрозавр ва целурозавр турларига мансуб.

### Фавқулодда қўниш

***Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳри аэропортидан ҳавога кўтарилган «Emirates Airlines» (БАА) авиакомпаниясига тегишли самолёт фавқулодда қўнишга мажбур бўлди.***

"Интерфакс" ахборотида келтирилишича, лайнер 356 нафар йўловчи билан эндигина сафарга чоғланган маҳал авиакомпания транспорт хизматига қўнғироқ қилишган. Унда самолётда террорчи борлиги ва у қабиҳ ниятини амалга оширмоқчи эканлиги маълум қилинган. Шундан сўнг ҳаво кемаси ерга қўндирилиб, ундаги барча йўловчилар синчиклаб текширилган ва полиция икки кишини гумондор сифатида қўлга олган.

### Кунчиқар юртда зилзила

***Японияда кучли ер силкиниши рўй берди.***

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, табиий офат Рихтер шкаласи бўйича 6,6 баллни ташкил этган. Унинг маркази Рюкю оролида қайд этилган. Ҳукумат ушбу ҳудуд атрофида яшовчиларни цунами бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирди.

Ҳозирча қурбонлар ва талафотлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*


«FORMULA-I» АВТОДЎКОНИ
сизга қуйидагиларни таклиф этади:
*Автомобиль эҳтиёт қисмлари*
*R12 дан R17 гача бўлган автошиналар*
*35W дан 200W гача бўлган аккумуляторлар*
*Мотор мойлари*
*Трансмиссия мойлари*
*Автомобиль жиҳозлари*
*Автомобиль ойналари*
*Автомобиль бўёқлари*
*Автомобиль дисклари*
*Электродлар*
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
TICO, MATIZ, EPICA, NEXIA, DAMAS, ESPERO, LACETTI
SUPER SALON, MERCEDES-BENZ, CAPTIVA




Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.
Доимий мижозларга — совғалар.



Манзилимиз: Тошкент ш., Қатортол к., 50-«В» уй.
Мўлжал — «Қатортол савдо маркази» қаршисида.
Тел.: (+99871) 150-62-20, (+99898) 304-13-12,
факс: (+99871) 278-06-83.
E-mail: avto-formuia1@mail.ru
89R/1658



ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS"
CHTS
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ
ҚОЗОНЛАРИ
ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди
Маҳсулот сертификатланган.
Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.
E-mail: chts.uz@mail.ru
21R/1847



**Иш берувчилар диққатига!**
Ўз фуқаролик жавобгарлигингизни суғурталашни унутманг!



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш – ижтимоий ҳимоя воситаси

O'ZBEKINVEST
"O'ZAGROSUG'URTA" DAVLAT AKSIYADORLIK SUG'URTA KOMPANIYASI
KAFOLAT
Alliance Insurance
ALSKOM
ASIA insurance
IShONCh
KAPITAL SUG'URTA страховая компания
Standard Insurance
O'ZBEKINVEST HAYOT
UNIVERSAL SUG'URTA

O'ZBEKINVEST - тел.: 232-07-47; O'ZAGROSUG'URTA - тел.: 239-10-65; KAFOLAT - тел.: 239-48-86; ALLIANCE INSURANCE - тел.: 120-71-00; ALSKOM - тел.: 214-66-07; ASIA INSURANCE - тел.: 300-00-11; ISHONCH - тел.: 238-69-65; KAPITAL SUG'URTA - тел.: 232-02-02; STANDART INSURANCE - тел.: 256-26-99; O'ZBEKINVEST HAYOT - тел.: 252-78-48; UNIVERSAL SUG'URTA - тел.: 234-67-89.
Хизматлар лицензияланган
90R/122



«РЕСПУБЛИКА СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

*барча ускуна етказиб берувчи корхоналарни ҳамкорликка чорлайди ва 2010 йил давомида харид қилинадиган синов ускуналари рўйхатини эълон қилади.*

- Сув термостати
- Микротўлқинли куллантириш ускунаси
- Термометр +1000 °C
- Мебель маҳсулотларини синаш ускуналари
- Керамик ва ошхона буюмларини синаш ускуналари
- Полимер хом ашёларининг оқувчанлик индексини аниқлаш ускунаси
- Муфель печи
- Белизномер ускунаси
- Климатик камера
- Ультратовушли қаттиқлик ўлчагичи
- Лазерли масофа ўлчагич
- «GWM 40L» электрон бурчак ўлчагичи (угломер)
- Электрон тарози
- Дилатометрик совуққа чидамлиликни аниқлаш ускунаси
- Иссиқликка чидамлиликни аниқлаш ускунаси
- Бетон чидамлилигини ўлчаш ускунаси
- Механик адгезиметр
- Муфель печи 1700 °C
- Электрон термометр
- Портатив тарози
- Центрифугалар
- Электр қаршилигини аниқлаш ускунаси
- Электрон анемометр
- Строганов ускунаси
- Лаборатория сочқичи
- Иссиқлик ўтказувчанликни ўлчаш ускунаси
- Ишқаланишни ўлчаш ускунаси
- «Автотест 01.04М» газ анализатори
- «ТОННИК» ёруғлик ўтказувчанликни аниқлаш ускунаси
- «ИСЛ-М» люксметри
- «М.100» тормоз шлангларини текшириш асбоби
- «ИПФ-01» ёритқич хусусиятларини ўлчаш асбоби
- «ЭФФЕКТ» тормоз тизими самаралигини ўлчаш асбоби
- «ППНР-100» динамометри
- Сут маҳсулотлари учун лаборатория центрифугаси
- «Альфа» универсал қурилмаси
- Шовқин даражасини аниқлаш ускунаси
- Лаборатория тегирмони
- Лаборатория аналитик тарозиси
- «П-125» гидравлик пресси
- Люфт ўлчагичи
- Капилляр вискозиметр
- «ТВО-11» ускунаси
- «Микон-2» иономери
- Пиво анализатори
- Ўсимлик ёғлари ёниш ҳароратини аниқлаш ускунаси
- Автоматик рефрактометр

*Мурожаат учун электрон манзил: 35_bulim@standart.uz Телефонлар: (8-371) 150-63-58, 246-43-97.*
97R/144



Ўз стендингизга эга бўлинг!
worldfood 10 years UZBEKISTAN
agroworld 5 years UZBEKISTAN
10-юбилей ўзбек халқаро КЎРГАЗМАСИ
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ва ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
24-26 март 2010
«Ўзэкспомарказ», Тошкент



Ташкилотчи: ufi Member ITE UZBEKISTAN
• ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ • ОЗИҚ-ОВҚАТ ИНГРЕДИЕНТЛАРИ • ИЧИМЛИКЛАР • ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ УСКУНАЛАРИ • ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИ • ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг www.worldfood.uz
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
Guvohnoma № 3583
94R/59



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25


Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Менежмент кафедраси мудири, доцент Дилдора Юсуповага падари бузруквори

**ТЎРАЖОН** отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Кўнгил хиёбони



Алишер НАВОИЙ

## КЕЛДИМУ

*Гул сочар ел боғ аро сарви равоним келдиму?*
*Жон иси гулдин келур ороми жоним келдиму?*

*Бехуд эрдим, айтгали кўнглум чу келдим ҳолима,*
*Айтинг, ул овораи бехонумоним келдиму?*

*Қолмиш эрди хаста жон кирганда мен майхонаға,*
*Англамонким, ул заифи нотавоним келдиму?*

*Демангизким, келди маҳвашлар сени ўлтургали,*
*Муни денгким, қотили номеҳрибоним келдиму?*

*Ҳажрдин ўлдум демангким, бошинга келмиш Масиҳ,*
*Айтинг, ул осойиши руҳи равоним келдиму?*

*Кўюнга ушшоқ келгандин хабар туттунг, валек,*
*Демадинг ул зори беному нишоним келдиму?*

*Зуҳд кўйига кўнгул бирла демангким, келмадинг,*
*Эй Навоий, неча айтиб ул ёмоним келдиму?*

## Ҳикматлар

*Нафъинг агар халққа бешакдурур,*
*Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.*

***Ҳар нафасинг ҳолидан огоҳ бўл,***
***Балки анга хуш ила ҳамроҳ бўл.***

*Ҳунарни асрабон неткумдур охир,*
*Олиб туфроққаму кеткумдур охир?!*

***Ўз вужудингга тафаккур айлагил,***
***Ҳар не истарсен — ўзунгдин истагил.***

## ЗАМОНДОШЛАРИ ЭЪТИРОФИ

Бу қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киму Хусрав ким бўлди?!

**Абдураҳмон ЖОМИЙ**

***Аниng назми васфида тил қосир ва баён ожизтурур.***

**Ҳусайн БОЙҚАРО**

Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқан эмас.

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**

## Боқий мерос эъзози

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган тадбирда навоийшунос олимлар, адабиёт ихлосмандлари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тил ва адабиёт институти директори, профессор Тўра Мирзаев бошқарган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ҳазрат Навоий шахсияти ва ижодига муносабат тубдан ўзгарди. Натижада бугун шоирнинг ижодини янада чуқурроқ ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар қилинаяпти, илмий изланишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, истиқлол шарофати билан Навоийнинг йигирма жилдлик асарлар тўплами тўлалигича чоп этилди. Навоийшунос олимлар томонидан янги-янги илмий мақолалар, рисолалар яратилмоқда. Алломанинг асарлари ҳозирга қадар дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган.

Шунингдек, анжуманда филология фанлари докторлари И. Ҳаққулов, Ҳ. Қудратуллаев, профессор С. Ғаниева ва бошқалар сўзга чиқиб, Алишер Навоий ижодидаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

**Ф. БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.***

**Ислом КАРИМОВ**

# ЭЗГУЛИК ВА ИБРАТ ТИМСОЛИ

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди”, деб таъкидладилар.*

Ана шу улкан вазифаларни амалга оширишда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоят аҳли ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, буюк даҳо таваллуди кенг нишонланаётган айни қутлуғ кунларда вилоятнинг барча гўшаларида бунёдкорлик ишлари тобора авж олаётир. Бу бежиз эмас. Зеро, Юртбошимиз вилоят халқи тўғрисида чуқур ҳурмат, эҳтиром, ғоятда самимият билан “Навоий вилояти деганда, буюк шоиримиз Алишер Навоий номини шарафлаб келаётган, кўнгли очиқ, заҳматкаш, саховатли инсонлар, бунёдкорлик билан банд бўлган кўп миллатли халқни ўзимга тасаввур қиламан”, деган эдилар. Дарҳақиқат, вилоятимиз мустақиллик фарзанди, республикада энг кенжа вилоят бўлишига қарамай, мамлакатнинг асосий саноат минтақаси, кончилар, кимёгарлар, қурувчилар, пахтакорлар, қоракўлчилар диёридир.

Истиқлол туфайли вилоят саноат корхоналари кўп ихтисосли корхоналарга айлантирилиб, қудратли технология ва кадрлар салоҳиятига эга бўлди. Бу ердаги аксарият конлар ўзининг ноёб хусусияти ва захираси билан нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда камдан-кам топилади. Мурунтов, Давғизтов, Кўкпатас, Омонтойтоғ каби улкан олтин конлари, Қизилқумдаги фосфорит кони мамлакатимиздан олис-олисларда ҳам яхши маълум.

Тарихий манбаларда келтирилишича, ҳазрат Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга ўтаётиб, Зарафшон дарёси узра Қизилқум саҳросига назар ташлар экан, Фарҳоддек мард қаҳрамонлар жасорати туфайли бу чўлларнинг бўстонга айланишини орзу қилган экан. Улуғ шоирнинг эзгу орзуси асрлар ўтиб рўёбга чиқди — бугун вилоят, шаҳар ва туманларга, ўнлаб мактабу кўчаларга, маҳаллаларга унинг номи берилган. Навоий номидаги вилоятда унинг асарлари қаҳрамонлари бўлмиш Фарҳод ва Ширин номига маданият саройлари, зиё масканлари барпо этилиб, мустақил Ўзбекистон фуқароларига хизмат қилмоқда.

**Фахр**

Давлатимиз раҳбари Алишер Навоийнинг қутлуғ 560 йиллик тантаналарини унинг номи билан аталувчи вилоятдан бошлаб, шоирга ҳайкал ўрнатиш ва унинг атрофида истироҳат боғини яратишни таклиф қилган эдилар. Вилоят аҳли ана шу таклиф асосида 102 гектарлик боғ яратди, унинг марказида шоирнинг 12,5 метрлик ҳайкали бунёд этилди. Бу тантаналарда иштирок этган Президентимиз навоийликларга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилгани ҳаммамизнинг қалбимиздан чуқур жой олган: “Навоий бобомиз куйлаган, орзу қилган халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик бугун гўзал Навоий вилоятида қарор топганига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Бир пайтлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Қизилқум саҳросини гуллаган воҳага айлантираётган, Сиз, азиз навоийликлар ўз олижаноб ишларингизда, аввало, Навоий даҳосидан руҳ ва илҳом, Навоий қаҳрамонларидан ўрнак ва ибрат олиб яшаётганингиз барчамизга қувонч ва ифтихор бағишлайди”.

Бугун улуғ Навоий орзулари ушалган юртнинг бир гўзал гўшаси — Навоий вилоятида икки олий ўқув юрти, 51 академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 375 та мактабда минглаб йигит-қизлар таълим олмоқда. Саксондан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган вилоятда 9 та миллий-маданий марказ ишлаб турибди. Вилоят телерадиокомпанияси ўзбек, рус, қозоқ тилларида эшиттиришлар олиб бораётир.



Республикамизнинг “олтин камари” ҳисобланган Навоий вилояти ҳудудидан мамлакатимизнинг кўплаб вилоятларини боғловчи “Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус” темир йўл линиясининг янги йўналишлари ишга туширилиб, темир йўлларни электрлаштириш, темир йўл локомотивлари парки ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, бугунги кунда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш борасида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан вилоятда ушбу ҳудуднинг ташкил этилиши ва шаҳар аэропортининг логистика марказига айлантирилиши вилоят кўркига кўрк қўшиб, унинг иқтисодий ривожланиши учун улкан имкониятлар яратди.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоят аҳли ўзи туғилиб ўсган масканнинг янада чирой очиб бораётганлигидан фахр-ифтихорга тўлиб, Юртбошимиз таъкидлаганидек, жонажон Ўзбекистонимизни ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши учун бор куч-ғайрат ва шижоатини сафарбар этмоқдалар.

**Сулаймон ИНОЯТОВ,**
**Навоий давлат педагогика институти профессори.**



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## Бир рубоий шарҳи

***То дашт баҳор бирла рангин бўлғай,***
***Гулзор нигорхонайи Чин бўлғай.***
***Дашт узра сенга салтанат ойин бўлғай,***
***Гулзор аро тахт устида таскин бўлғай.***

Баҳор фасли ва унинг гўзалликларидан илҳомланиб шеър ёзмаган шоир топилмаса керак. Фақат борлиқ-оламда эмас, балки инсон руҳи ва кўнглида ҳам баҳор кучли ўзгариш, янгиланиш пайдо қилади.

### «То дашт баҳор бирла рангин бўлғай...»

Баҳор завқи, кўклам шавқи юракда қанчадан-қанча безавол туйғулар, ҳаётбахш ҳисларни жонлантириб юборади. Бу фаслдаги орзиқиш ва интилишлар умидбахшдир. Ҳар баҳорда инсон сийратида гўё дарахт гуллайди, гул очилиб, қушлар сайрайди. Баҳор куй-қўшиқлари — бирлик, шукроналик куй-қўшиқлари. Улар карахтлик ва руҳсизликни қувади. Қишнинг қаҳри ва совуқ зарбаларидан кутилган кимсасиз саҳрою биёбонлар ҳам ям-яшил либосларга бурканиб, лолазорларга айланади. Навоийнинг мазкур рубоийси билан танишган киши шуларни ўйлайди, ўзига ошно баҳор манзараларини хаёлдан ўтказади.

“Дашту саҳролар баҳор ранглари билан чулғанганда, — дейди шоир, — гулзорлар Хитой рассомларининг сувратхоналарига ўхшаб қолади. Ва ҳар бир гулда, чечакда бир чин маҳва ишнинг зеболигини илғашинг мумкин. Эй, баҳор ошиғи, кўнгилни дашту биёбон кенгликларига туташтириб, ўша жой, ўша манзилларда яйраб кезиш, қувнаб вақт ўтказишни катта давлат, тириклик салтанати, деб билгил. Юракка таскин-тасаллини эса гулзордаги “тахт”да кечган осуда дамларингдан изла”.

Навоийнинг бошқа бир қатор битиклари каби ушбу рубоийсини ҳам сўз ва сўз ранглари билан чизилган бир кўркам сурат деса бўлади. Унда баҳор қучоғидаги дашт, турфа гуллар ғунча ёзган гулзор, баҳор ошиқлари кайфияти энг нозик чизгилари ила тасаввурда жонланиб келади.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,**
**филология фанлари доктори.**

***Инсоният тарихида шундай мутафаккирлар борки, уларнинг ижоди сарҳад билмайди. Бильакс, бундай зотларнинг ижоди ҳамиша мангу зиё шуъласи сифатида қалбларимизни чароғон айлайверади. Халқимизнинг фахру ифтихори бўлмиш Алишер Навоий ижоди ҳам ана шундай беназирдир. Унинг асарлари асрлар оша авлодлар учун беқиёс маънавий хазина бўлиб қолмоқда. Навоий ижодиётини ўзларининг касб фаолияти билан узвий боғлаган айрим ҳамюртларимизнинг фикрларига қулоқ тутганимизда, бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўламиз.***

# БИР УМРЛИК САБОҚ

**Рихси ИБРОҲИМОВА,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Мен ҳазрат Алишер Навоийни бир уммонга қиёслайман. Бу уммонга шўнғиган инсон ким бўлишидан қатъи назар, қайси касб эгаси бўлмасин, ўзига тегишли дуру жавоҳирни олади. Ижодимда актриса сифатида ҳазрат Навоийга кўп маротаба мурожаат қилганман. Энг севимли ролларимдан бири “Алишер Навоий” спектаклидаги Гули образи бўлган. Кейинчалик “Навоий” видеофильми ҳамда “Алишер Навоий” спектаклида шоирнинг онаси ролларини ижро этдим. Спектакллардан бирида Навоийнинг шундай сўзлари бор: “Осмондаги дабдабали ва бефойда чақмоқ бўлгандан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзал”. Бу — менинг шиорим. Қийналган инсон борки, унга кўмак берсам, кўнглини шод қилсам, ўзимни бахтли ҳис этаман. Бир сўз билан айтганда, ҳазрат Навоийдан одамийликни, ҳалолликни, камтарликни, инсонларга нисбатан меҳрли бўлишни ўргандим ва бу ўрганганларим шу кунгача ҳаёт йўлимни ёритиб келмоқда.

**Афзал РАФИҚОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Навоийни танимаганимда, актёрлик тақдирим қандай бўларди, билмадим. Эҳтимол, саҳнани тарк этиб кетармидим... Ҳазрат Навоий ижоди ҳам шахсий ҳаётимда, ҳам актёрлик касбкоримда кескин бурилиш ясади. 1991 йилда “Хамса” асосида ёзилган “Искандар” пьесаси томошабинларга тақдим этилди. Ўшанда мен актёр сифатида янгидан туғилгандек бўлдим. Чунки шу пайтгача асосан Европа миллатларига мансуб қаҳрамонлар ролларини ижро этган эдим. Айнан “Искандар” саҳнага бўлган меҳримни оширди ва бу йўлни танлаб хато қилмаганимни тушундим. Сабаби шундаки, мен ёшлигимдан Пушкин, Лермонтовни ўқиб улғайганман. Навоий роли устида ишлаётган кезларда ўзлигимни англай бошлаганимни тушундим. Ўзбек эканлигимдан ич-ичимдан қувондим. Шу маънода, умримнинг охиригача Навоий даҳосига муҳибман. Зеро, Алишер Навоий, унинг ижоди ҳамиша миллатимизнинг фахри бўлиб қолаверади.

**Ойбек АБДИМЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори:**

— Навоий асарлари ҳар биримиз, айниқса, биз, ёшлар учун ниҳоятда муҳим. Унинг бой ижодий меросини қанчалик теран ҳис этсак, ҳаётни, ота-онага ҳурматни, устозга эҳтиромни, бир сўз билан айтганда, одоб-ахлоқни шунчалик яхши ўрганамиз. Ўзимга келсак, улуғ шоир номи билан аталувчи вилоятда яшаётганлигимдан фахрланаман. Мактабда ҳам, Навоий давлат педагогика институти талабаси бўлганимда ҳам, Алишер Навоий асарлари доимий ҳамроҳимга айланди. Унинг бир неча рубоийларини таҳлил қилиб, мақолалар эълон қилганман. Зеро, ҳазратнинг асарларидаги фикрлар сарҳад билмайди. Шундай экан, ёш авлоднинг Навоий ижодини ўрганиши, Президентимиз таъкидлаганларидек, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.20 1 2 3 5